



PRAGMATIC AND CONSTRUCTIVE POLICY OF UZBEKISTAN IN SOLVING THE PROBLEM OF AFGHANISTAN

Shoislam Akmalov

candidate of political sciences

*Associate Professor of the International Islamic Academy of Uzbekistan,
Tashkent, Uzbekistan*

E-mail: shaislamakmalov@gmail.com

ABOUT ARTICLE

Key words: common values, security guarantees, the subject of Afghanistan, the Eurasian continent, political-armed conflict, radical Islamism, world and regional politics, the Afghan crisis, preventive diplomacy.

Received: 28.04.24

Accepted: 30.04.24

Published: 02.05.24

Abstract: The article examines the important aspects of the efforts to solve the Afghanistan crisis, which is one of the cores of the foreign policy of the Republic of Uzbekistan during the period of independence. Taking full account of the current realities of modern global geopolitics, special attention is paid to revealing the essence of Tashkent's radically new approach to solving issues related to the Afghan problem in the following years.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ АФГОНИСТОН МУАММОСИНИ ҲАЛ ҚИЛИШДАГИ ПРАГМАТИК ВА КОНСТРУКТИВ СИЁСАТИ

Шоислом Акмалов

сиёсий фанлар номзоди

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси доценти,
Тошкент, Ўзбекистон*

E-mail: shaislamakmalov@gmail.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: умумий қадриятлар, хавфсизлик кафолатлари, Афғонистон мавзуси, Евросиё қитъаси, сиёсий-қуролли қарама-қаршилик, радикал исломизм, жаҳон ва минтақавий сиёсат, афғон бўйрони, превентиве дипломатия.

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик давридаги ташқи сиёсатининг ўзакларидан бири бўлган Афғонистон инқирозини ҳал қилиш борасидаги саъи-ҳаракатларининг мухим жиҳатлари кўриб чиқилган. Замонавий глобал геосиёсатнинг ҳозирги воқеликларини тўла инобатга олган ҳолда Тошкентнинг кейинги йилларда афғон муаммоси билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишга тубдан янгича ёндашувлари

мазмун-моҳиятини очиб беришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

ПРАГМАТИЧНАЯ И КОНСТРУКТИВНАЯ ПОЛИТИКА УЗБЕКИСТАНА В РЕШЕНИИ ПРОБЛЕМЫ АФГАНИСТАНА

Шоислам Акмалов

кандидат политических наук

*Доцент Международной исламской академии Узбекистана,
Ташкент, Узбекистан*

E-mail: shaislamakmalov@gmail.com

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: общие ценности, гарантии безопасности, тема Афганистана, Евразийский континент, политико-вооруженный конфликт, радикальный исламизм, мировая и региональная политика, афганский кризис, превентивная дипломатия.

Аннотация: В статье рассматриваются важные аспекты усилий по разрешению афганского кризиса, который является одним из стержней внешней политики Республики Узбекистан в период независимости. С учетом современных реалий современной глобальной геополитики особое внимание уделено раскрытию сути принципиально нового подхода Ташкента к решению вопросов, связанных с афганской проблемой, в последующие годы.

КИРИШ

“Бизга тинч ва барқарор, минтақавий ҳамкорлик жараёнларида иштирок этадиган, қўшинилари ва бошқа мамлакатлар билан ўзаро манфаатли шериклик учун очиқ Афғонистон керак” [1].

Афғонистон ўтмишидан то ҳозирги кунгача ўзбек ҳалқи ушбу мамлакатнинг тинчлиги, барқарорлиги, фаровонлиги ва тараққиёти учун бекиёс ҳисса қўшиб келган ва келажақда ҳам шундай бўлиб қолади.

Ўзбекистон Афғонистон хавфсизлигини ўзининг хавфсизлиги ва ривожланиши гарови деб билади. Бу ёндашув нафакат Марказий ва Жанубий Осиёда, балки бутун Евроосиё қитъасидаги тинчликнинг асосий шартидир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Мақолада хорижий ва ўзбекистонлик афғоншунос олимлар ва эксперталар хулосаларига, шунингдек, интернет нашрларига алоҳида эътибор қаратилди. Турли манбалардан олинган турфа материаллар таҳлилида тадқиқ килинаётган предметга оид маълумотлар кўриб чиқилди.

Ўзбекистоннинг “афғон муаммоси”ни тинч йўллар билан ҳал этиш билан боғлиқ кўп тарафлама саъй-ҳаракатлари ишончли ва холис маълумотларга асосланган ҳолда

ўрганилиб, шарҳланди. Бунда тарихийлик, event, content, қиёсий ҳамда SWOT таҳлил усууларидан фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси XX асрнинг 90-йилларидан эътиборан кўшни Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишга қаратилган оқилона ва холис ниятларга асосланган пўрсамар ташқи сиёсий йўлни оғишмай амалга ошириб келмоқда. Давлатимизнинг Афғонистонга нисбатан 1992-2017 йиллардаги сиёсати Евроосиёдаги ноёб геосиёсий ҳодиса - постсовет худудида сиёсий ва ижтимоий-иктисодий характерга эга кескин ўзгаришлардан тортиб, “халқаро терроризмга қарши курашиш” баҳонаси билан АҚШ ва НАТО давлатларининг бу мамлакатга кириб келиши билан боғлиқ вужудга келган мушкул ва ниҳоятда зиддиятли сиёсий-ҳарбий вазиятлар хукмон бўлган шароитда амалга оширилди.

Кўшни Афғонистон ҳамда Тожикистон ҳудудларида бошланган фуқаролар урушлари нафақат Ўзбекистон миллий хавфсизлигига, балки бутун минтақа хавфсизлиги ва барқарорлигига жиддий таҳдид солиб турган шароитда ўша пайтдаги Афғонистон давлат раҳбари Бурҳониддин Раббоний ва Ўзбекистон Биринчи Президенти Ислом Каримов ўртасида ўtkазилган музокаралар натижасида 1992 йил октябрь ойида Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Айнан мазкур учрашув Афғонистон масаласида мустақил Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муқаддимасига айланди, деб таъкидланса ҳам, аммо, афғон ўлкасида 90-йилларда давом этган қуролли тўқнашувлар икки томонлама алоқаларни фақат хавфсизлик доираси билан чеклаб кўйди [2].

Умуман, XX асрнинг охирги ўн йиллиги Афғонистон кесимида Ўзбекистон учун “Толибон” ҳаракатининг афғон сиёсий майдонга чиқиши натижасида икки мамлакат чегарасида янги таҳдидларнинг вужудга келиши, афғон ўлкасининг терроризм ва экстремизм ҳудудига айланиши ҳамда гиёхванд моддалар савдосининг авж олиши каби хатарларда намоён бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов дастлаб 1993 йилдаёқ БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Афғонистон можаросини жаҳон ҳамжамияти ёрдами билан ҳал этишга чақириб, шу тариқа бутун жаҳон аҳлини афғон муаммосининг нафақат минтақавий хавфсизлик, балки халқаро тинчлик ва барқарорликка таъсири хусусида огоҳлантириди.

1995 йил 24 октябрь - БМТнинг эллик йиллиги муносабати билан маҳсус тантанали йиғилишдаги ўз нутқида Ислом Каримов фақат минтақавий хавфсизликни таъминлаш йўли билан жаҳон хавфсизлигини таъминлаш мумкинлигини алоҳида қайд этар экан,

Афғонистондаги кескинликни ҳал қилиш калити, энг аввало, ташқи кучларнинг аралашувини бартараф этишдалиги, Афғонистон уруш эмас, тинчлик ва барқарорлик обьекти бўлмоғи лозимлигини алоҳида таъкидлади [3].

Давлатимизнинг Афғонистондаги ҳарбий мажароларни сиёсий йўл билан ҳал қилишга сиёсий-дипломатик саъй-ҳаракатлари “6+2” мулоқот гуруҳини (1997-2001) ташкил этиш ташабbusi, бу форматнинг Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Покистон, Эрон, Хитой ҳамда АҚШ ва Россия давлатлари вакиллари учрашувининг 1999 йил 19-20 июль кунлари ўтказилиши, “Афғонистон мажаросини тинч йўл билан бартараф этишнинг асосий тамойиллари тўғрисида”ги Тошкент декларациясини афғон муаммосини бартараф этиш юзасидан БМТнинг тарихий хужжати сифатида баҳоланиши Ўзбекистоннинг ўтган юз йилликнинг охирги ўн йиллигида аниқ ва сермулоҳазали ёндашувининг ҳосиласи эканлигидан дарак беради.

НАТО раҳбарлигидаги ҳалқаро коалицион кучлар томонидан Афғонистон худудида мунтазам ҳарбий операциялар амалга оширилишига қарамай, мамлакатдаги сиёсий-ижтимоий ва ҳарбий-иқтисодий вазият мураккаблигича қолаётганини эътиборга олиб, ўта зиддиятли аҳволни бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон 2008 йил 2-3-апрель НАТОнинг Бухарест саммитида “6+2” гуруҳини “6+3” мулоқот гуруҳига айлантириш, яъни унинг таркибида НАТО ваколатхонаси иштирокини таъминлаш ташабbusини илгари сурди. Назарда тутилаётган хатти-ҳаракатларининг бош мақсади афғон диёрида ўзаро кескин кураш олиб бораётган кучлар ўртасида муросага эришиш ва коалицион афғон ҳукуматини шакллантиришдан иборат бўлиши керак эди. Ана шу ҳукумат таркибида Афғонистондаги асосий миллий-этник ва диний гуруҳлар ўз ўрнини топган бўлар эди. Аммо, мазкур ташабbus ҳалқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланмади ва бунинг асосий сабаблари АҚШнинг Афғонистондаги ўз ҳарбий қўшинларини узоқ вақт ушлаб туриш режаси (бунинг исботи сифатида Американинг яна 13 йил давомида ўз кучларини афғон заминида сақлаб турганини кўрсатиш мумкин) борлигидан далолат берарди. Ўша даврда Хитой, Покистон ва Эрон каби минтақадаги қўшни давлатларнинг Афғонистон муаммосини ҳал қилиш бўйича қарашлари яқдил эмаслиги ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатди.

Ўзбекистонлик афғоншунос олим С.Бўронов бу формат аҳамияти хусусида фикр билдириб, ташабbusни Афғонистон муаммоси бўйича Ўзбекистон геосиёсатининг чукур танловга асосланган таркибий қисми сифатида баҳолайди. У Марказий Осиё минтақасида етакчи давлатлар орасидан ягона кучнинг таъсири ортиб кетишини олдини олиш ва шу орқали минтақада ташқи кучлар мувозанатини таъминлаш стратегиясини назарда тутган

эди. Қолаверса, Афғонистонда тинчликни таъминлашнинг сиёсий мулоқот йўлини танлаш ва уни кенг йўлга қўйиш режалари Ўзбекистоннинг минтақадаги янги геосиёсий мақоми ва Афғонистон орқали жаҳон денгиз йўлакларига чиқиш орзусини ифодалар эди. Қолаверса, Афғонистонда тинчликни таъминлашнинг сиёсий мулоқот йўлини танлаш ва уни кенг йўлга қўйиш режалари Ўзбекистоннинг минтақадаги янги геосиёсий мақоми ва Афғонистон орқали жаҳон денгиз йўлакларига чиқиш орзусини ҳам ифодалар эди [4].

Шундай қилиб, бутун минтақада бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлашнинг ҳал қилувчи омили эканлиги тўғрисида умумий тушунча мавжуд эди [5].

Ишонч билан таъкидлаш мумкинки, мазкур даврда Афғонистон омили Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги устувор йўналишга айланди. Бунинг исбот талаб қилмас омили Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши, ушбу мамлакатдаги ҳарбий-сиёсий вазиятга нисбатан тутган позицияси 2012 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолияти концепциясида аниқ ва батафсил мустаҳкамлаб қўйилди. Бу ҳужжатда “Ўзбекистон ўзининг Афғонистонда узоқ муддатли барқарорлик ва тинчлик сақланишининг қатъий тарафдори эканлигини ҳамда тарихий тажрибани ҳисобга олиб, бу мамлакатга нисбатан анъанавий тарзда яхши қўшничилик ва дўстона сиёsat юритмоқда. Ўзбекистон Афғонистоннинг ички ишларига аралашмаслик принципига риоя этилиши тарафдоридир ва у билан ўз муносабатларини икки томонлама асосда, ҳар иккала мамлакатнинг миллий манфаатлари ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларини ҳисобга олиб, афғон ҳалқи танлайдиган йўлни хурмат қилган ҳолда йўлга қўяди” [6] деб белгиланиши узоқни кўзлаган, чукур ўйланган сиёсатни олдинга суриш учун Афғонистоннинг яқин қўшниси бўлмиш Ўзбекистонда барча асослар бор эди. Бу мамлакатимизнинг Марказий Осиёда тутган алоҳида ўрни ва минтақамиизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилган мустаҳкам ва сабитқадам ташқи сиёsat натижаси бўлди.

Шу билан бирга географик, геосиёсий ва геоиктисодий омилларга кўра, Ўзбекистон Афғонистонга қўшни давлатлар орасида афғон можаросини тартибга солиш жараёнида асосий иштирокчилардан бири эканлигини тўлиқ намоён этди. Бу омилнинг аҳамияти шундан иборатки, агар у ҳисобга олинмаса, Афғонистонда тинчлик ўрнатишга қаратилган ҳар қандай лойиҳаларни тўлиқ амалга ошириб бўлмайди. Шу боис, сўнгги йигирма йил давомида Ўзбекистон Афғонистондаги можарони ҳал қилишга қаратилган сиёсий ва иқтисодий ечимларни ишлаб чиқишида фаол иштирок этди [7].

Ўзбекистон томонидан 2017 йилдан эътиборан илгари сурилган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланган янги конструктив сиёсий ташабbuslar, мамлакатимизинг Марказий Осиёда кечаётган жиддий сиёсий трансформация жараёнида очиқлик, ўзаро ишонч ва хурмат тамойиллари мустаҳкамланаётганидан гувоҳлик беради. Ўзбекистоннинг минтақавий ташқи сиёсатининг узлуксиз қисми унинг яна бир муҳим йўналиши бўлган Афғонистондаги бугунги вазият, ушбу мамлакатда тинчлик ва иқтисодий барқарорликка эришиш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилар экан, мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўйган илк кунлардан эътиборан давлатимиз етакчиси Шавкат Мирзиёев томонидан Афғонистон масаласи бўйича мутлақо янги концептуал ёндашув илгари сурилди.

Таъкидлаш даркорки, 2016 йилгача Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати доирасида Афғонистон омили, биринчи навбатда, миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш призмасида кўриб келинган бўлса, 2017 йилдан Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ислоҳотлар бошланганидан сўнг жанубий қўшни хавф ва таҳдидлар манбаи даражасида эмас, балки иқтисодиётлаштириш жараёнлари шаклида умумий тенденцияларнинг имкониятлар йиғиндиси сифатида қабул қилина бошлади [8]. Бу сиёсатнинг реал ҳосиласи сифатида Афғонистон Марказий Осиёнинг ажралмас бир қисми, афғон халқи эса асрлар давомида минтақа давлатлари халқлари билан ягона маданий-цивилизацион маконда яшаб келган халқ сифатида эътироф этилмоқда.

Бу янгича қарашнинг яна бир ёрқин мисоли Ўзбекистон раҳбариятининг ташабbusi билан 2018 йил январь ойида БМТ Хавфсизлик Кенгашида Марказий Осиё давлатлари ташқи ишлар вазирлари иштирокида "Хавфсизлик ва тараққиётнинг ўзаро боғлиқ модели сифатида Афғонистон ва Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни йўлга қўйиш" мавзусида маҳсус учрашув ташкил қилинганлигидир. Ушбу дипломатик усул орқали Марказий Осиё давлатларининг Афғонистон масаласи бўйича ягона позициясини шакллантиришга эришилди. Хусусан, Афғонистонни Марказий Осиёнинг савдо-иқтисодий ва инфратузилмавий лойиҳаларига кенг жалб этиш бўйича минтақа давлатларининг янгича ҳамкорлик фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб олинди [9].

Айни пайтда Афғонистон билан иқтисодий алоқаларнинг ўша даврдаги реал салоҳиятидан тўлиқ фойданилмаганлиги каби омил долзарблиқ тусини касб этиб, Ўзбекистон ҳукумати ва Ташқи ишлар вазирлиги олдига икки томонлама ҳамкорликни сифат ва миқдор жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш вазифасини қўйди. Тошкентнинг 2017-2021-йилларда Афғонистонга нисбатан ташқи сиёсий фаолияти таҳлили шуни

кўрсатадики, унинг Афғонистон йўналишидаги қадамлари фаол характерга эга бўлиб, халқаро ҳамжамиятнинг афғон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш моделини топишга қаратилган саъй-ҳаракатларини рағбатлантириш, зеро 2016-2021 йиллар Афғонистонда ҳарбий-сиёсий бекарорлик кучайган бўлиб, шубҳасиз, бу тенденция Афғонистоннинг ички сиёсий майдонидаги вазиятнинг келажақдаги ривожланишидан қўрқувни кучайтириди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Афғонистон бўйича “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий ҳамкорлик” мавзуида халқаро конференция ўтказиш ташабbusи билан чиқди. 2018 йилнинг март ойида Тошкентда бўлиб ўтган тадбирда Президент Шавкат Мирзиёев афғон можаросини ҳал қилиш бўйича Ўзбекистоннинг қарашларини баён этиб, улар кенг кўламли, ўзаро боғлиқ минтақавий жараёнларни ўзида акс эттиришини таъкидлаб ўтди.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, Шавкат Мирзиёвнинг Ўзбекистон Президенти этиб сайланиши мамлакат тараққиётидаги асосий парадигманинг ўзгариши рамзи бўлди. Ташқи сиёсатда унинг асосий устувор йўналишлари қайта кўриб чиқилди – асосий эътибор 1990 йилларда ва 2000 йилларнинг биринчи ўн йиллигида ҳукм сурган хавфсизликни максимал даражада ошириш устуворлигидан замонавий воқеликларга мувофиқ ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни таъминлашга қаратилди. Янги ташқи сиёсат ўюли эксперталар орасида “иқтисодлаштириш” деб ҳам номланди.

Янги геосиёсий шароитда Ўзбекистоннинг Афғонистондаги сиёсати мамлакатимизни амалда минтақавий етакчига айлантириди. Бу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 95-мақсади: “Анъанавий ҳамкорларимиз билан муносабатларни янада ривожлантириш, ташқи алоқалар географиясини кенгайтиришга устувор аҳамият қаратиб, иқтисодий дипломатияни кучайтириш” бобидаги “Ўзбекистоннинг Афғонистон билан кўп қиррали муносабатларини ривожлантириш ва унинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш” каби вазифада ўз аксини тўлиқ топди. Афғонистонда барқарорлик даражасини сақлаб қолиш ҳам муҳим умумий мақсадга айланиб бораётган вазиятда Ўзбекистон Афғонистон муаммоси бўйича энг конструктив ва ижобий позицияни эгаллаган давлатлар қаторидан жой олди [10].

ХУЛОСА

Эътиборга молик жуда муҳим ҳақиқат шундан иборатки, расмий Тошкент қўшни Афғонистондаги муайян ички сиёсий-харбий ва ижтимоий воқелиқдан келиб чиқиб, бу мамлакатга нисбатан амалга оширилаётган сиёсатга ўз вақтида тегишли ўзгартиришлар киритиб борди. Бундай ёндашув Тошкентнинг Афғонистон борасидаги саъй-ҳаракатлари

самарадорлигини ошириб билан бирга глобал ва миңтақа даражадаги бу мамлакатдаги ички вазиятга сезиларли таъсир қила оладиган давлатлар сиёсатини оптималлаштиришга турткі бўлди. Натижада афғон можаросини ҳал этиш жараёнларига дахлдор қўшни давлатлар ташқи сиёсати натижадорлигини ошишига ҳам ижобий таъсир ўтказди.

2021 йил август ойида “толиблар”нинг иккинчи бор Афғонистонда ҳокимиятга келиши Тошкент учун кутилмаган ҳодиса бўлмади. Зоро, Ўзбекистон расмий вакилларининг “Толибон” ҳаракати раҳбарий мутасаддилари билан биринчи учрашуви 1999 йил май ойида амалга оширилди. 1999 йилнинг ёзида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Покистонга ташрифининг эълон қилинмаган қисмида Афғонистоннинг Қандаҳор шаҳрига ташриф буюриб, у ерда “Толибон” ҳаракати етакчиси Мулла Мухаммад Умар билан учраши: бу “Толибон” етакчисининг МДҲ давлатларидан келган шундай даражадаги расмий билан биринчи учрашуви эди. Ўтган чорак аср мобайнида иккала томон ўртасида маълум бир маънода ўзаро тушуниш вазияти вужудга келиб, Ўзбекистон ундан ўзининг ва миңтақа манфаатлари йўлида фойдаланишга уннаганлиги очиқ ҳақиқатdir.

Бу ҳамда Ўзбекистоннинг узоқ муддат “Толибон” ҳаракатининг Марказий Осиё, билхусус мамлакатимизга нисбатан амалий муносабатлари “толиблар”нинг маълум бир маънода юртимизга бўлган хайрҳоҳлиги яқин ва ўрта муддатларда икки томонлама муносабатларни янада ўзаро манфаатли босқичга қўтаришга мустаҳкам негиз яратишга кўмаклашиши мумкинлигига ишора қиласди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида сўзлаган нутқи. [хттп://дарё.уз/к/2023/09/20/shavkat-mirzijev-afghonistonni-oz-muammlari-bilan-jana-ellgiz-koldirilsa-bu-kattatxatoboladi](https://darё.uz/k/2023/09/20/shavkat-mirzijev-afghonistonni-oz-muammlari-bilan-jana-ellgiz-koldirilsa-bu-kattatxatoboladi).

2. Акмалов Ш. (2023) Ўзбекистон ва Афғонистон: ўтмишдан ҳозиргача. Монография. Тошкент –

3. Каримов И.А. (1996) Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т.: “Ўзбекистон”,. –Б. 56-57.

4. Бўронов С.М. (2021) Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш жараёнида Ўзбекистон геосиёсати. – Т.: EFFECT-D. – Б. 153.

5. Akmalov Sh. Uzbekistan's Role in Stability and Development of Afghanistan. Source: Policy Perspectives, January - June 2009, Vol. 6, No. 1 (January - June 2009), pp. 115-120.

6. Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти Концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталариниг Ахборотномаси 9/1 (1437) сон, 239-модда, 2012. – Б.14.
7. Сайдолимов С.Т. Ўзбекистон ташқи сиёсати: миллий манфаатларга асосланган фаол ва pragmatik йўл. <https://cyberleninka.ru/article/n/o-zbekiston-tashqi-siyosati-milliy-manfaatlarga-asoslangan-faol-va-pragmatik-yo-l>. 2021
8. А.Князев. Афганская политика Узбекистана: сравнительный контекст. <http://cyberleninka.RU/article/афганская-политика-узбекистана-сравнительный-контекст>. 2023.
9. Махмудов Р.Б. Афганский вектор современной внешней политики Узбекистана. <https://afghanistan.ru/doc/150247.html>. Опубликовано: 26.02.2023.